

## Фикҳ дарслари (52-дарс). Мавсуъалар



15:48 / 26.09.2019 3889

Ҳозирги кундаги жамоавий муаллифлар китоблари ичида энг кўзга кўрингани ва машҳури Кувайт давлати Вақф ва Исломий Ишлар вазирлиги томонидан таълиф қилинган «Ал-мавсуъа ал-фиқҳийя» номли асардир.

«Ал-мавсуъа ал-фиқҳийя»нинг муаллифлари муқаддимада бу каби асар яратиш замон тақозоси эканини, уни яратиш фикри 1951 йили Парижда бўлиб ўтган Ислом фикҳи ҳафталиги иштирокчилари қабул қилган баёнотда ўз аксини топганлигини айтиб ўтганлар.

«Ал-мавсуъа ал-фиқҳийя»нинг яратилиш тарихидаги дастлабки босқич беш йилни ўз ичига олиб, у 1971 йили охирига етган. Бу босқичда режа тузилган, Ибн Қудоманинг «Муғний» китоби асосида фикҳий луғат тайёрлашган ва элликта мақола ёзилган. Улардан баъзилари тажриба учун нашр қилинган ва мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари эътиборга

олинган.

Кейин кутиш ва тайёргарлик кўриш учун беш йил кетган. Уламолар ва мутахассислар билан алоқалар ўрнатилган ва жиддий иш бошлашга ҳозирлик кўрилган. Яна тўққизта мақолани нашр қилиб, фикр-мулоҳазалар тўпланган.

1977 йили 1 мартда эълон қилинган 8/77 рақамли вазирлик қарорига биноан Вақф ва Исломиё Ишлар вазири раислигида ва саккиз киши аъзолигида «Ал-мавсуъа ал-фиқҳийя»нинг бош ишчи гуруҳи тузилган. Шундан кейин бу асарни яратиш бўйича жиддий иш бошланган.

«Ал-мавсуъа ал-фиқҳийя»нинг биринчи жузи аввалида фиқҳнинг таърифи ва тарихи тўғрисида, унинг ривожи, фиқҳий мазҳаблар ва китоблар ҳақида осон ва тушунарли услубда кўпгина фойдали маълумотлар берилган.

«Ал-мавсуъа ал-фиқҳийя»нинг муаллифлари ҳижрий ўн учинчи асргача бўлган Илом фиқҳи меросини янги аср руҳида баён қилишни ўзларига мақсад қилиб олганлар. Унда мазҳабий баҳс ва муноқашалардан, шахсий маънода бир қавлнинг иккинчисидан афзаллигини айтиб ўтиш ва қонунларни зикр қилишдан четланганлар.

«Ал-мавсуъа ал-фиқҳийя»га номи зикр қилинган уламоларнинг таржимаи ҳоллари, усулул фиқҳ, янги пайдо бўлган масалалар ва фиқҳнинг камёб луғатлари бўйича иловалар ҳам қилинган.

«Ал-мавсуъа ал-фиқҳийя»да маълумотлар алифбо ҳарфлари тартибида берилган. Мисол учун, биринчи истилоҳ «Аимма» сўзи бўлган.

Энг аввал мазкур истилоҳнинг луғавий таърифи берилган.

Кейин худди шу сўз бошқа қайси маъноларда ишлатилиши ҳам биринкетин айтиб ўтилган.

Кейин эса аиммага, яъни имомларга тегишли шаръий ҳукмлар батафсил келтирилган.

Маълумотлар қайси манбалардан олингани жуз ва бетлари билан ҳар саҳифанинг остида аниқ кўрсатилган.

Баъзи ҳолатларда мазкур сўз ёки истилоҳлар фиқҳнинг қайси бобларида ишлатилиши ҳам айтиб ўтилган.

«Ал-мавсуъа ал-фиқҳийя»да холислик ва мужтахид фуқаҳолар ва фиқҳий мазҳабларни қадрлаш ҳамда мўътадиллик равшан сезилиб туради. Услуб ва тил масаласи юқори даражада гўзал ва тартибли. Бу асарни ҳамма мақтайди ва қадрлайди. Уни чоп этиш ишлари ҳам аъло даражада йўлга қўйилган. Бу ишнинг бошида турганлар ва илмий ишларини амалга ошираётганлар ихлосли кишилардир. Ушбу сатрларнинг соҳиби – камина ходимингиз уларнинг кўпи билан таниш ва иш жараёни билан ошно бўлган.

2007 йил март ойида «Ал-мавсуъа ал-фиқҳийя»нинг қирқ беш жузи барчаси чоп этилиб, Аллоҳ таолонинг ёрдамида бу катта илмий иш охирига етди.

***«Фиқҳий йўналишлар ва китоблар» китобидан***